

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 25 декабрь, № 272 (7774)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

Содиқ САФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати Раисининг биринчи ўринбосари:

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИ — БИЗ УЧУН ЯГОНА ВА ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ

Тобора яқунига етиб бораётган ҳозирги йилимиз бутун дунё аҳолиси, шу жумладан, халқимиз учун ниҳоятда синовларга бойлиги билан тарихга қиряпти, десак, муболаға эмас. Дарҳақиқат, пандемия боис дунёнинг деярли барча давлатида мураккаб вазият кузатишмоқда, энг ёмони, бу ҳолат ҳамон давом этаётди. Табиийки, бизда ҳам осон кечаётгани йўқ. Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан бу борада кўрилган тезкор чора-тадбирлар вазиятни назорат қилиш имконини берганлигини ҳам таъкидлаш зарур. Натижада корхона ва ташкилотлар яна ўз маромида ишлаяпти.

Сарҳисоб

Бундай ижобий ишларни Сенатнинг халқаро алоқалар йўналишидаги фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Айтиш жоизки, бу борада давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.



Жорий йил давомида Сенатда хорижий давлатлар, халқаро ташкилот, молия тузилмалари ва бизнес вакиллари билан 79 та учрашув ўтказилди. Олий Мажлис ва чет эл парламентлари ўртасида 43 та парламентлараро гуруҳ тузилди. Бўлиб ўтган учрашувларда парламентлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган долзарб масалалар қаторида, савдо-иқтисодий, инвестиция ва маданий-гуманитар соҳаларда кўшама лойиҳаларни амалга ошириш, халқаро парламентлараро тузилмалар доирасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари ҳам муҳокама қилингани эътиборга молик.

Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги янгидан тайинланаётган элчиларининг хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича «Йўл хариталари» ҳам парламент назоратига олинди ва 3 нафарининг тақдимоти эшитилди. Шунингдек, республикамизнинг чет давлатлардаги элчиларининг хорижий давлатлар билан икки томонлама ҳамкорлик бўйича «Йўл хариталари» ижроси юзасидан Ўзбекистоннинг Европа мамлакатларидаги дипломатик ваколатхоналарининг 11 нафар раҳбари ҳисоботи эшитилди.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бу бўйича мунтазам равишда парламент ва жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш бугунги кунда жуда муҳим. Шу сабабли ҳам Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг февралдаги қўшама қарори билан Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси тузилди. Бу комиссия аъзолари иштирокида Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга доир биринчи Иштироки миллий ҳисоботи лойиҳаси ишлаб чиқилиб, у шу йилда БМТнинг Иқтисодий ва Иجتимоий кенгаши бошчилигида ўтказилган олий даражадаги сиёсий форумда тақдим этилди. Парламент комиссиясининг жорий йилга мўлжалланган иш режасига асосан, ҳудудларда барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг бажарилиши ҳолати ўрганилди.



ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ



«Ким Ватанга содиқ бўлса, меңдирман ўша!». Шу кунларда мамлакатимизда ушбу шиор остида «Ватанпарварлик ойлиги» ўтказилмоқда.

Ойлик доирасида Мудофаа вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун пресс-тур ташкил этилди. Тадбир иштирокчилари дастлаб Куролли Кучлар академиясида бўлиб, яратилган шароитлар, бу ердаги музей фаолияти ва дарс жараёнлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кейинги йилларда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ҳамда стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама яхши кўролланган миллий армияни янада такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, — деди мудофаа вазирининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси — матбуот котиби, полковник Баҳром Зулфирқоров. — Айниқса, миллий армиямизни замонавий кўрол-

яроғ ва техника билан таъминлаш, стратегик фикрлайдиган, интеллектуал савияси етуқ офицер кадрлар ва кўмондонлик, шунингдек, сержантлар таркибини тайёрлаш жараёни янгича ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда ташкил этилмоқда. Буларнинг барчаси армиямизнинг кўролланган миллий армияни янада такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, — деди мудофаа вазирининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси — матбуот котиби, полковник Баҳром Зулфирқоров. — Айниқса, миллий армиямизни замонавий кўрол-

лар, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ўрни ва аҳамиятини етказиш ҳамда халқ ва армия яқин эканлигини амалда намоён этишга қаратилган. Шундан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари Чичик гарнизонидagi ҳарбий қисмлардан бирига саёхати уюштирилди. Бу ерда уларга жанговар вертолётларнинг имкониятлари ва техник хусусиятлари ҳақида маълумот берилди. Журналистлар шунингдек, ҳарбий транспорт воситасида парвоз қилиш имкониятига ҳам эга бўлди.



«Очиқ айтиш керак: олдин ҳам хусусийлаштириш бўйича кўп қарорлар қабул қилинган. Лекин бирорта раҳбар пастга тушиб, бу соҳадаги билим ва методикани жойларга етказмагани сабабли кўп корхона ва объектлар сотилмасдан турибди, на давлатга, на тадбиркорга наф келтиряпти.»

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Давлат ва бозор иқтисодиёти: БИР ҚЎЛ БИЛАН ЧАПАК ЧАЛИБ БЎЛМАЙДИ!

Бозор иқтисодиёти соғлом рақобатга асосланади. Унга «демократик иқтисодиёт» деб таъриф берилишининг боиси ана шунда. Лекин бу соҳада, бор-йўғи, 30 йиллик тажрибага эгамиз. Қолаверса, бозор иқтисодиёти —

Нуқтаи назар

ривожланишнинг идеал модели эмас. Унинг турли нуқсонлари бор. Чунки бу моделларни инсон яратди. Одам боласи эса идеал эмас. Идеал бўлмаган инсонлардан ташкил толган жамиятлар ҳам бениқсон бўла олмайдди. Шундай экан, бу соҳа ҳам, табиийки, ислохотларга муҳтож. Ҳўш, бу борада мамлакатимизда қандай ишлар амалга оширилди? Мазкур саволга жавоб топишдан аввал бозор иқтисодиёти қонунлари тарихига, унинг ривожланиш тенденцияларига чуқурроқ назар ташлаш талаб этилади.



Фаровонлик даражаси нимага боғлиқ?

Абу Зайд Абдурахмон ибн Муҳаммад Ибн Халдун номини эшитгандирсиз? У бозор муносабатларининг мазмун-моҳиятини тарихда биринчи бўлиб қаламга олган араб олими.

XIV асрда яшаган мутафаккирнинг фикрича, одамларни моддий неъматлар билан таъминлаш зарурати маданият, илм-фан, сиёсатдан аввал вужудга келади. Демак, иқтисо-

диётнинг жамият ҳаётидаги ўрни — бирламчи, маданият, илм-фан, сиёсат — иккиламчи. У бозорга «хунармандчилик ишлаб чиқаришини такомиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш омили» деб таъриф берган. Қаранг, Ибн Халдуннинг ана шу таърифи ордан етти аср ўтса ҳамки эскиргани йўқ!



Эътибор ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ЎҚУВЧИСИГА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси Фирдавс Абдуқўсов АҚШнинг иккита нуфузли олий таълим муассасаси — Ксавье ва Жон Каролл университетлари грант асосида ўқишга қабул қилинди. Ксавье университети гранти миқдори 89 минг доллар, Жон Каролл университетиники эса 96 минг долларни ташкил этади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов Фирдавсни табриқлаб, унга давлатимиз раҳбари совғаси — замонавий компьютерни топширди. Айни пайтда Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг ўқувчиси Темур Сулаймонов, Наманган шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси Мирношхон Иномжонов, Жаҳонгир Амирҳамзаев, Азимжон Уринов ҳамда Азимжон Алижонов еттакчи хорижий олий ўқув юрталарига қабул қилинган.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИЖОБИЙ ИШЛАР БИЛАН БИР ҚАТОРДА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Кеча куйи палатанинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг тегишли Қонуни билан тасдиқланган Консуллик уставининг ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил тадбири якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил қилинган мазкур йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ташқи ишлар вазирлиги масъул ходимлари, соҳа мутахассислари ҳамда журналистлар қатнашди. Таъкидланганидек, юртимиз ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз бераётган, жамиятимизнинг турли жаҳаларида кенг қўламли ислохотлар тобора чуқурлашаётган ҳозирги муҳим паллада хорижий давлатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни юқори босқичга кўтариш мамлакатимиз учун нафақат амалий, балки стратегик аҳамият касб этади. Ушбу жараёнда чет давлатларда мамлакатимиз фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи консуллик муассасалари муҳим роль ўйнайди. Консуллик муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат, бу — Ўзбекистон Республикаси Консуллик устави ҳисобланади.



ЎЗБЕКИСТОН 1,7 МЛРД. АҚШ ДОЛЛАРИЛИК ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТ ҚИЛДИ

Жорий йилнинг январь — ноябрь ойларида Ўзбекистон хорижий давлатларга қиймати 1,7 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган.

Ўзбекистон 1 декабрь ҳолатига 69 та давлатга тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган.

Тўқимачилик маҳсулотлари энг кўп экспорт қилинган давлатлар:



Россия —
596,8 млн.\$



Хитой —
370,4 млн.\$



Қирғиз Республикаси —
248,8 млн.\$



Туркия —
189,6 млн.\$



Польша —
40,1 млн.\$



Қозоғистон —
38,4 млн.\$

Манба: Давлат статистика қўмитаси

Реклама ўрнида

Жараён

**БУХОРОДА
АРХЕОЛОГИК ПАРК
ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ**

Бухородаги қадимий "Арк қўрғони"да илк археологик парк ташкил қилинмоқда. Ушбу лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши тадқиқотлар натижасида топилган, ер остида кўмилиб ётган ёдгорликлар қолдиқларини консервация, реставрация ва реконструкция қилиш, зарур инфратузилмаларни яратиш, шунингдек, шаҳар меҳмонларига қўрғоннинг барча ҳудудини кўриш имкониятини беради.

— Мазкур обида Бухоронинг энг қадимги тарихий меъморчилик ёдгорлиги ҳисобланади, — дейди Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти вилоят бошқармаси бошлиғи Ш. Маҳмудов. — Бундан 2,5 минг йил аввал, балки ундан ҳам олдинроқ ушбу манзил ҳукмдорлар қароргоҳи бўлган. Унинг баландлиги 16 — 20 метрни ташкил қилади.

Маълумотларга қараганда, қалъа деворлари милoddан аввалги IV асрда барпо этилган. Ушундан буён бу кўҳна иншоот не-не кечмишларни бошидан ўтказганига тарих шохид.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, "Арк қўрғони"нинг умумий майдони тўрт гектарга яқин. Бугунги кунда унинг атиги 1,1 гектарига сайёҳлар ташрифи уюштирилмоқда, холос.

Вазирлар Маҳамаси ҳузуридаги Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция, реставрация қилиш ва мукамал таъмирлаш дирекцияси, вилоят ҳокимлиги, Маданий мерос департаменти ҳамкорлигида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа янги туризм йўналишини очиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

fido-biznes

«FIDO-BIZNES» компанияси Сиз, азиз ҳамюртларимиз, ҳамкорларимиз ва ҳамкасбларимизни яқинлашиб келаётган Янги — 2021 йил билан чин юракдан табриклайди! Янги йилда барчангизга соғлиқ-саломатлик ва фаровонлик тилаймиз.

Янги йил барчамиз учун тинчлик ва тотувлик, омад ҳамда бахт йили бўлсин!



**Yangi 2021
yilingiz muborak!**



МАХАМ

2021

*Азиз ватандошларимизни
яқинлашиб келаётган*

Янги ~ 2021 йил

билан муборакбод этади!

*Янги йилда барчангизга осойишталик, ишларингизга ривож,
оплангизга қут-бароқа, қордек оппоқ
эзу ияшларингиз ҳаммиса ижобат
бўлишини тилаймиз!*

«Максам-Чирчик» АЖ жамоаси.

**Халқ сўзи
Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 29 828 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилиши учун буянани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.50 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6